SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 21-yanvar • Shanba • 9 (27.501) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон шаҳарсозлиги

Нукус — қорақалпоқлар билан ёнма-ён кўплаб бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари яшаётган ва меҳнат қилаётган ажойиб навқирон шаҳар. Улар умумий саъй-ҳаракатлари билан бу — дўстлик ва қардошлик шаҳрини барпо этдилар.

Ислом КАРИМОВ

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛЪАСИ

Мамлакат, пойтахт — бош шаҳарлардан бошланади. Бошкентлар ўша халқнинг бедор юраги. Бу ерга ташриф буюрганларнинг юрт, миллат ҳақидаги илк тасаввурлари мана шу жойда туғилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус — саҳрода кўкка бўй чўзган гул. Аму соҳилидаги дол қоя. Бутун қорақалпоқ халқининг овози, бугуни, эртаси, жаҳон олдидаги ғурури. Оқинлар куйлаган достон. Шоирлар битган ашъор. Рассомлар суратидаги умид орзулар...

Юзлаб фан, адабиёт, санъат, маданият намояндаларини улғайтирган бешик. Истеъдодли, иқтидорли ёшлар камол топаётган маърифат манзили. Спортда довруғ таратган, елкаси ерга тегмас полвонлар, соғлом, баркамол спорт юлдузлари чарақлаётган мовий осмон.

Шаҳарсозлигимизнинг гўзал намуналари барпо этилган истиқлол иморатлари қад ростлаган озод, обод диёр.

Иқтисоди тобора ривожланиб, қўшма корхоналар, юзлаб ишлаб чиқариш бўғинлари мавжуд бўлган, имкониятлари кундан-кун юксалаётган қудратли шаҳар.

Янги замон илм масканлари лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, музейлар, маданият саройлари, мактаблар, тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатаётган Нукус шаҳри истиқлол шарофати билан бугун қайтадан чирой очмоқда.

Нукус биргина Қорақалпоғистоннингина эмас, балки бутун мамлакатнинг илм-фан марказларидан бири ҳисобланади. Бугун бу ерда Қорақалпоғистон давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Тошкент давлат педиатрия институти ҳамда Тошкент давлат аграр университетларининг Нукус филиали минглаб ёшларни ўз бағрига олган. Бундан ташқари шаҳарда ўндан зиёд илмий, юздан ортиқ мактаб ва мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

2-бет

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 январь куни Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Газпром» билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинини ташкил қилади. 2002 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Ўрта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

Ҳужжатга мувофиқ 2004 йилнинг 14 апрелида «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром»га қарашли «Зарубежнефтегаз» ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Шоҳпахта конини ўзлаштиришни якунига етказиш лойиҳаси бўйича Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Амал қилиш муддати 15 йилга мўлжалланган бу ҳужжатга биноан, 2007 йилгача ана шу мақсадга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри сармоя йўналтирилади. Келишувда кўзда тутилганидек, 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станциясининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Бунинг натижасида 2004 йилда 200 миллион, 2005 йилда қарийб 500 миллион куб метр газ қазиб олинди.

Стратегик ҳамкорлик битимига мувофиқ 2004 йилда Ўзбекистондан Россияга 7 миллиарддан зиёд, 2005 йилда 8,15 миллиард куб метр газ экспорт қилинди.

«Газпром» Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи «Ўрта Осиё-Марказ» магистрал қувурини таъмирлашда ҳам қатнашади. Унинг Ўзбекистонга киритадиган жами сармояси 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

«Газпром» жаҳондаги йирик компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган.

Бундай йирик компания билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. А.Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎзХДП жамоатчилик қабулхоналарида

ИШ ҲАҚИНИ КЕЧИКТИРГАНЛАР

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҲАМ ҚЎШИБ ТЎЛАШГА МАЖБУР БЎЛИШДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят ҳамда мавжуд 19 та туман, шаҳар кенгашларида жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳамда тегишли кенгашларнинг масъул ходимларининг фуқароларни қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик қабулхонасига тушган навбатдаги шикоятни ҳал қилиш учун ЎзХДП Ёзёвон туман кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Раҳматов хўжалик судида жавобгар — «Оқ олтин» сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг вакили сифатида иштирок этди. Вакил масалани чуқур ўрганиб таҳлил қилди ва суд даъвогар — «Тўхтасин дароз» фермер хўжалигининг уюшмадан 2 миллион 780 минг сўм зарарни ундириш ҳақидаги даъвосини асоссиз деб топди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги туман бошқармасининг собиқ ходимлари — А.Исломов, А.Отабоев, А.Аҳмадов, А.Холиқовлар иш ҳақларини ололмаётганликлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилдилар. Фермер хўжаликларида ишлайдиган яна бир гуруҳ фуқароларнинг жамоатчилик қабулхонасига шу мазмундаги шикоятидан сўнг туман кенгашининг агросаноат ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликдаги ишлари натижасида фуқаролик судининг қарори билан шикоятчиларга 2 миллион сўм иш ҳақи, 701 минг сўм мукофот пули, 700 минг сўм маънавий зарар, ҳатто фойдаланилмаган таътил учун ҳам компенсация ва маънавий зарар ундириб берилди.

— Ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш, қаерга мурожаат қилишни билмайдиган кишилар албатта топилади. Кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдам, маслаҳатларимиз туфайли жамоатчилик қабулхонасига мурожаатлар кўпаймоқда, кишиларнинг партияга ишончи ортмоқда, — дейди Музаффар Раҳматов. — Ҳар бир мурожаатга эътибор бериш, масаланинг кичик ёки катталигидан қатъи назар, уни ҳал қилишни охирига етказишга ҳаракат қиламиз. Зеро, бу бизга ишончни мустаҳкамлайди.

Фуқароларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, туман марказида автобекат қурилишининг бошланиши ҳам шундай ҳаракатлар натижаси бўлди. Қабулхонага мурожаат қилган ўн олти нафар ёшга мос иш излаб топилди, беш нафари қайта ўқишга юборилди.

Фарғона вилоятида жамоатчилик қабулхоналарига мурожаатларнинг аксарияти — табиий газ ва иссиқлик қуввати таъминотидаги муаммолар, пенсия ва иш ҳақи кечикишини бартараф этиш учун партия фаоллари, депутатлар шикоятларни жойида ўрганиб, мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чораларини кўришяпти.

Уйига 70 метр қувур тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилган Марғилон шаҳар, Мадалиҳофиз кўчасида яшовчи Содиқ Ҳасанов ҳам, Янги йил ва Қурбон ҳайити арафасида байрам совғалари олган кам таъминланган хонадонлар ҳам ЎзХДПнинг жамоатчилик қабулхонаси, у ерга қилинган мурожаат бефарқ қолмаслиги ҳақида миннатдор бўлиб гапиришмоқда.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бугуннинг гапи

«КЎЧАТ ЭККАН, БОҒ ҚИЛГАН

МУРОДИГА ЕТАДИ» — ДЕЙДИ БОҒОТ ТУМАНИДАГИ «АВЕСТО» БОҒДОРЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ ШОМУРОД ОТАНАЗАРОВ

— Президентимизга минг раҳмат, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликка дахлдор фармон бериб, ҳамманинг эътиборини шу соҳага қаратди. Кейинги йилларда чиндан ҳам мевазор боғлар анча назардан четда қолувди. Бозорларда мевалар нархи йил сайин ошиб кетаётганди. Уйда фарзандларимиз «олма, ўрик, узум...» деб хархаша қилса, ўзимиз ҳам болалагимизда ёз ва кузни кўя турринг, қаҳратон қишдаям сандал усти тўла қоқ мева-чеваларни эслаб қолувдик...

Мен олдинги йиллар чоғроққина ерга 500 туп мевали дарахт ниҳоллари ўтказиб, майдоннинг торлигидан қийналиб юрувдим... Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси иш бошлаши биланоқ танловда қатнашиш учун ариза бердим. Бахтимга фармон ҳам чиқиб қолди. Омадим чопиб, 16 гектарлик контурга талабгорлар орасида ғолиб бўлдим. Энди бу ерда оиламиз аъзолари билан бирга фаолиятимизни эркин ва хўжалик ҳисобида ҳамда ўзимизнинг ўзимиз маблағ билан тўла қоплаш асосида иш юритамиз.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар билан ўзаро муносабатларимизни узоқ муддатли шартномалар асосида олиб борамиз.

— Боғлар ва узумзорларни парвариши даврида кутилмаганда муайян маблагга зориқиб қолсангиз нима қиласиз?

— Агрофирма бор. Унинг қайта ишловчи корхоналари билан муддатини узоқроқ қилиб шартнома тузамиз... Ўша шартномада уларнинг ҳам, бизнинг ҳам ҳуқуқларимиз, мажбуриятларимиз, биз етказиб берадиган маҳсулотларга камида 30 фоиз аванс берилиши ва кейин унинг харид қилиниши таъминланиши — ҳаммаси белгилаб қўйилади. 30 фоизлик аванс билан ҳар қандай боғбон ўзини ўнглаб олади. Қолаверса, шартномадан ташқари маҳсулотимизни ўз хоҳишимизга кўра ички ва ташқи бозорда сотишимиздан тушган маблағ ҳам бўлади-ку...

2-бет



ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин 19-20 январь кунлари қисқа муддат билан Тошкентда тўхтаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев билан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосиннинг мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистонлик олимлардан иборат илмий делегациянинг Германия Федератив Республикасига ташрифи бошланди. Бу мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси ҳамда Вестфаль университетининг Германистика институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дастлаб ўзбекистонлик олимлар Вестфаль университети президенти Ю.Шмидт билан учрашдилар. Айтиш жоизки, мазкур университет Германия олий таълим муассасалари ўртасида катталиги жиҳатидан учинчи, илмий тадқиқотлар сонига кўра биринчи ўринда туради. Университет 250 та институт ва факультетни ўз ичига олади. Уларда жами 5 минг нафардан зиёд илмий ходим фаолият кўрсатади. Мазкур университетда таҳсил оладиган 40 мингдан ортиқ талабанинг 3,5 минг нафари хорижликлардир.

Бўлиб ўтган учрашув якунларига кўра, Вестфаль университетининг Тилшунослик институти қошида ўзбек филологияси бўлимини ҳамда Ўзбекистон Миллий университети қошида Вестфаль университети бўлимини очиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Ушбу илмий ташриф доирасида Мюнстер университетида Ўзбекистон Республикаси таълим тизими мавзуига бағишланган тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда Германия илмий муассасаларида фаолият кўрсатадиган 150 нафардан ортиқ илмий ходим, маҳаллий жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА мухбири

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ

МИКРОКРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ МУКАММАЛЛИГИГА БОҒЛИҚ

Хусусий тармоқнинг ривожланиши, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши сезиларли даражада ўсиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларнинг ҳам ҳал этилишига олиб келади. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш давр тақозоси бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Ушбу муҳим ҳужжат биринчи ўқишда маъқулланди ва ҳозирда муҳокамалар ҳамда уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни давом этмоқда. Биз бу ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Нўмонжон АҲМАДЖОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Аввало, микрокредит тушунчаси ҳақида тўхталсангиз. Нима учун бундай номланади? Қайси соҳаларга бериладди, миқдори қандай белгиланади?...

— Буни «микро» сўзининг ўзиёқ (микро-кичик) айтиб турибди. Талаб этиладиган маблағ оз миқдорда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтирилади. Шундан келиб чиқиб микрокредит дейилади. У аҳолининг кенг қатламларидаги мавжуд қобилият ва иқтидорни инобатга олиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Ҳозирги кунга қадар тижорат банклари томонидан 3 минг АҚШ долларидан 10 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида микрокредитлар берилмоқда. Ана шу тажрибалардан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳасида микрокредит беришнинг юқори суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баробаригача миқдорда бўлиши назарда тутилган.

— Микрокредитлар берилиши бугунги кунда қандай ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда?

— Шу кунга қадар микрокредитлар бериш Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан тижорат банклари, кредит уюшмалари томонидан бериб келинмоқда. Шунингдек, бу фаолият республикамизда мавжуд баъзи нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилаяпти.

Дунё амалиёти ва мамлакатимизда тўпланган тажрибалар шуни кўрсатаяптики, микрокредитлардан фойдаланиш учун алоҳида қонун ва дастурлар қабул қилиб, уни ҳаётга кенг жорий этиш янада юқорироқ самара бериши мумкин.

— Қонун лойиҳасидаги асосий янгилик нималардан иборат?

— «Микрокредитлар ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг асосий мақсади мамлакатда кенг қамровли микрокредит ташкилотларини тузиш, уларнинг фаолият юритиши, микрокредитлар бериш ва микрокредитлаш соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратишдан иборат.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш кўп сарф-харажатларни, қатор ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб этади. Бу эса кам миқдорда пул маблағига эҳтиёж сезган аҳоли қатлами талабларини тўлақонли таъминланишида бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган йўлларидан бири микрокредитлар ажратишда соддалаштирилган тартибларни қўллайдиган ихтисослашган микрокредит ташкилотларини тузишдан иборат. Янги қонун бўйича эндиликда микрокредитларнинг аксарият қисмини микрокредит ташкилотлари беради.

Шундай экан, мазкур қонуннинг қабул қилиниши аҳоли кенг қатламининг эркин фаолият юритишига, ўзи ва бошқалар учун иш ўринлари яратишга, ҳар бир оилада маълум бир даромад манбаи пайдо бўлишига, пировард натижада турмуш фаровонлигининг ошишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўламининг кенгайишига ва бу ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг ривожланишига олиб келади.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон шаҳарсозлиги

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛЪАСИ

Рустам ЖАРИЛКАГАНОВ, Нукус давлат университети талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори:

— Мен қорақалпоқ ёшларига берилаётган алоҳида эътибор, ғамхўрликларни ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Ўрта маълумотни лицейда олган бўлсам, университетда фуқаролик ҳуқуқи бўйича таҳсил олаяпман. Устозларим кўмагида олиб бораётган илмий изланишларим Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бу эса менинг кучимга куч, билимимга билим қўшди. Кенг, ёруғ йўллар, осмонўпар бинолар, барча-барча бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг Нукус ва нукусликларни чин дилдан яхши кўришининг исботидир...

Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида тарих, археология, этнография йўналишлари бўйича фан номзодлари илмий даражаларини беришга ихтисослашган кенгашлар фаолият кўрсатмоқда.

Мактаб, умуман таълим тизимини ривожлантириш ишлари бутун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунингдек, Нукус шаҳрида ҳам кейинги йилларда бири-биридан гўзал таълим муассасалари бунёд этилмоқда, эскилари янгидан реконструкция қилинмоқда. Умуммиллий дастурга биноан жорий йилда 630 ўринли янги мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, учта мактаб капитал реконструкция қилинди ва яна шунча мактаб капитал таъмирланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълимнинг яна бир босқичи бўлган лицей ва коллежларда ёшларга илм, касб-ҳунар сирлари ўргатилмоқда. Бешта академик лицей, 18 та касб-ҳунар коллежида қорақалпоқ халқининг орзу-умиди, эртаси, келажаги бўлган ёшлар камол топмоқда. Биргина Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда 7 та лингафон кабинети, компьютер хоналари, химия, физика, биология лабораториялари ишлаб турибди. Компьютерлар интернет тармоғига уланган. Шунингдек, шаҳарда биргина 2005 йилнинг ўзида Олимпия заҳиралари, қишлоқ хўжалиги, санъат ва маданият, спорт коллежлари ҳамда 900 ўринлик академик лицей ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида Нукусда маданият, санъат, тиббиёт соҳаларида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда кўплаб кутубхоналар, санъат саройлари, кинотеатр, маданият ва истироҳат боғлари шаҳарликларга хизмат кўрсатмоқда. Айниқса мустақиллик меваси бўлган И.Савицкий номли санъат музейининг янги биноси жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Музей кўргазмаларидан қорақалпоқ халқининг ўтмиши билан боғлиқ кўплаб осори-атиқалар, ўлмас намуналар ўрин олган. Музей уч бўлим: тасвирий санъат, амалий санъат, археология бўлимларидан иборат. Музей экспонатлари бу ерга келаётган хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Эзгулик, маданиятга, санъатга фидойилик йиллар ўтса-да, ўз қадрини, моҳиятини йўқотмайди. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганлар орасида қорақалпоқ давлат Санъат музейининг асосчиси И.Савицкий ҳам бор.

Шаҳарда республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Нукус филиали, шунингдек шифохоналарда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Тиббиёт коллежларида ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда. Қорақалпоқ шифокорлари орасида акушер-гинеколог врач Онесия Саитова Ўзбекистон Қаҳрамонидир.

Қорақалпоқ адабиёти ўзининг қадим анъаналари, келажак орзулари, истиқлол эзгуликлари билан нафас олмоқда. Бу юртда Ажиниёзнинг ўлмас туйғулари, Бердақ овозининг жаранги азалу абад янграб туради. Бугунги қорақалпоқ адабиёти умумжаҳон адабиётининг муҳим қирраларидан бирига айланиб бормоқда. Қорақалпоқ адабиётининг йирик намояндалари Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсуповлар номи мамлакатимиз ҳудудларидан ўтиб, дунёга танилиб улгурди.

Истиқлолимиз туфайли Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Тўлепберген Қаипбергенов ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлишди. Қорақалпоқ адабиётининг қуксида ёнган бу юлдузлар ўз нури, шуъласи билан навқирон Нукус шаҳри шаънини улуғламоқда.

Ибройим ЮСУПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари асрлар давомида қисматнинг ғоятда оғир ёки энг нурафшон кунларида ҳам бир тан, бир жон бўлишган. Бугун ҳам қорақалпоқ халқига, унинг пойтахти Нукус шаҳрига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони нукусликлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Бу ўшанда шаҳарнинг 70 ёшли тўйига улкан совға бўлган эди. Бундан тўрт-беш йил аввал республика етакчи нашрлардан бирида менинг туркум шеърларим эълон қилинди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Юртбошимиздан мактуб олдим. У киши шеъларимни ўқиб, ғоятда мамнун бўлганлигини билдирган эди. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлай олмайман. Мен шуни англадимки, бугун мамлакат ва унинг Йўлбошчиси қорақалпоқ халқининг тақдирига бефарқ эмас. Биз биргаликда муаммоларимизни, ҳал этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлайверамиз. Мен жонажон Нукус шаҳримга бағишлаб «Саҳро гули» деган шеър битган эдим:

Нукусим сен — Аму бўйида,
Олтин рангли — саҳро гулисан.
Ота юртим Туркистонимда,
Буюк шаҳарларнинг бирисан.

Сенда кўркли баҳор фасли ҳам,
Ҳавас билан унга қарашар,
Тонг нуридай ёруғ нафасинг
Ойдин келажакка улашар.

Юлдузлари очиқ осмоним,
Қизкетганга чўмилар оқшом.
Бахтли халқнинг озод инсони,
Қувонаман бошимиз омон.

Донгли Тошкент шарқнинг юлдузи,
Ҳам устозинг мададкор оғанг.
Мусаффолик ёшлик даврони,
О Нукусим, сенга ярашар.

Нукус шаҳар марказий кўчаларидан бири

ростлади. Аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланиши яхшиланди.

Шаҳарда кўплаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми нодавлат шаклидаги корхоналар бўлиб, умумий ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмидаги улуши миқдори муттасил ошиб бормоқда. Шаҳар саноат корхоналарининг экспорт-импорт операциялари ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда. Асосан турли саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортга жўнатилса, асбоб-ускуналар, кимёвий тола, ип-калава, озиқ-овқат моллари, қора ва рангли металлар, бошқа хилма-хил юқори сифатли маҳсулотлар импорт қилинади. Биргина «Кабель» акциядорлик жамияти 1994 йилда ташкил этилган эди. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қўшни давлатларда талаб жуда катта. Тайёр маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Белорусияга сотилмоқда. Ишлаб чиқариш эса Германия технологияси асосида амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарнинг тўла қувват билан ишлаши эса аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очилишига имконият яратмоқда.

«Қорақалпоқ саноат ва фуқаролик қурилиши» акциядорлик жамияти ва бошқа қурилиш ташкилотлари томонидан истиқлол йилларида мактаб, болалар боғчалари, даволаш муассасалари, турар-жой бинолари, сув тармоғи, ун комбинати, радио уйи, троллейбус йўналиши, давлат меъморчилик қўмитаси биноси, бизнес маркази, санитария-эпидемиология станцияси, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк маъмурий бинолари, автобаза ва бошқа кўплаб биноларни қуриб фойдаланишга топширди.

Шунингдек, Нукус «Темир-бетон буюмлари заводи» масъулияти чекланган жамияти ва Қорақалпоқ «Гўшт-сут савдо» акциядорлик жамияти ҳам жаҳон стандартларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, шаҳар иқтисодий салоҳиятининг ўсишида муносиб улуш қўшмоқда.

Шаҳар мустақиллик йилларида улкан қурилиш майдонига айланди. Йўлсозлар томонидан «қалъа»нинг марказий кўчалари кенгайтирилди. Йўлларга ёритгичлар ўрнатилди. Қисқа фурсат ичида Нукус чароғон, гўзал шаҳарга айланди.

Нукус бутун республиканинг транспорт қатнови маркази ҳисобланади. Шаҳарда фаолият кўрсатаётган автобазаларда юзга яқин турли русумли автобуслар, яна шунча енгил автомобиллар мавжуд. Истиқлол йилларида аҳолига транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида ҳукуматимизнинг ташаббуси билан Нукусда троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Нукус Тошкент, Алмати, Москва ҳамда жаҳоннинг бир неча шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Айниқса, Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг барпо этилиши, бутун мамлакат ҳаётида улкан воқеа бўлди. Поезд тўхтайдиган манзилларда бекатлар бунёд этилди. Бу эса нафақат шаҳарликлар, балки Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Бугунги кунда шаҳарда давлат рўйхатидан ўтган 3620 та корхона фаолият кўрсатади. Шундан 3052 таси, яъни 84,3 фоизини кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Уларда бугун эллик мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда. Мисол учун, ўтган йили 450 дан ортиқ ана шундай тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинди. Бунинг натижасида иқтисодиётда ўсиш ҳажми ортиб, икки ярим мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш мақсадида шаҳардаги тижорат банклари томонидан ишбилармонларга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Жалгасбой БЕРДИХАНОВ, Нукус шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати:

— Бугунги Нукус барча жабҳаларда мукаммаллик касб этиб бормоқда. Шаҳарсозлигимизнинг нодир дурдоналари қаторидан ўрин олмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, **«Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шаҳрини йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта бу таърифларнинг барчаси мустаҳкам ҳаётий асос ва заминга эга».**

Қалъанинг нафақат маънавий қиёфаси, балки иқтисодий салоҳияти ҳам тобора юксалмоқда. Хориж сармояларини киритиш ва қўшма корхоналар ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили чет эл инвесторлари иштирокида 3 та қўшма корхона ташкил этилди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги 48 қўшма корхонанинг 17 таси шаҳар улушига тўғри келади. Уларнинг устав жамғармаси 5288,6 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, улар томонидан ўтган йилнинг 9 ойи давомида 6384,0 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Навқирон шаҳар — Нукус яшариш фаслини бошидан кечирмоқда. Бугун у Марказий Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бунинг учун дўстлик шаҳри рутбасига эга бўлган қорақалпоқнинг қудратли қалъасида истиқомат қилаётган барча халқлар қўлни-қўлга бериб буюк юртнинг буюк келажагини яратмоқдалар.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Шошилинч тиббий ёрдам маркази

Бердақ миллий музейи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нукус автовокзали


Марказий банк

ЎзХДП янгиликлари

ЎЗ МУАММОЛАРИМИЗ ЕЧИМИНИ ТОПИШ

биздан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, биргалишиб ҳаракат қилишни талаб этади, — дейишди Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти таъсис конференцияси қатнашчилари

Бухорода бўлиб ўтган таъсис конференциясида вилоятдаги олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари, партия фаоллари ҳамда ЎзХДПга хайрихоҳлар тўпландилар. Анжуманни вилоят партия кенгаши раиси Жалолиддин Нуруллаев олиб бораркан, бугунги ёшларнинг ўзига хос салоҳияти, иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ҳамда ЎзХДП Марказий Кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи раҳбари Сухроб Исмоиловларнинг маърузалари тингланди.

Улар конференция иштирокчиларига мазкур ёшлар қанотини тузишдан кўзланган мақсад, унинг ҳуқуқий-ғоявий асослари, ундан кутилаётган натижалар ҳақида батафсил тушунтириш бердилар. Дарвоқе, «Истиқбол» ёшлар қаноти Бухорода ўз атрофига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган қарийб 11 минг партия аъзосини ҳамда партия ғояларига хайрихоҳ бўлган кўплаб ёшларни бирлаштиради. Шунда улар ўзларига тегишли муаммолар ечимини биргаликда муҳокама қилиб, кучларни бирлаштирган ҳолда уни тегишли давлат ташкилотлари эътиборига ҳавола этадилар. Бундан ташқари, ёшларда билим олиш, ўзлари хоҳлаган касб эгаси бўлиш имкониятларини кенгайтириш борасида изланишлар олиб боради. Бу эса хайрихоҳларни партия сафларига жалб этишда асосий омил бўлади.

Биз конференция қатнашчиларининг «Истиқбол» ёшлар қаноти, унинг Дастури лойиҳаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Эркин ХОЛОВ, Бухоро автомобиль ва йўл коллежи талабаси:

— Биз матбуот орқали «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилишидан хабардор эдик. Тўғриси, ҳеч қачон бугунгидай очиқ мулоқотда қатнашмагандим. Кўп муаммолар ҳақида фикрлар билдирилди. Биз ёшлар бу масалалар бўйича ўз таклифларимизни айтишимиз керак.

Гулруҳ ТЎРАЕВА, Вобкент туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси:

— «Истиқбол» ёшлар қанотининг Дастури лойиҳасини ўқиб шундай фикрга келдимки, энди бизларни қўллаб-қувватлайдиган яна бир ишончли таянчимиз бор. Ҳозир айрим коллежларда режа кетидан қувиб, талабанинг хоҳиши назардан қочириляпти. Бунинг устига коллежларни битирганлар уйда ишсиз ўтиришади. Бу каби муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратишлари лозим.

Суръат ШОМУРОДОВ, Жондор туманидаги саноат коллежи директори ўринбосари:

— Биз ўзимиздаги интеллектуал салоҳиятимизни намоён этишимиз, ташаббускор бўлишимиз, бир мақсад йўлида бирлашишимиз лозим. Ёшлар қаноти ғоялари жойларда кенг тарғиб қилинса, шубҳа йўқки, у ёшларни ўз ортидан дадил эргаштира олади.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг Бухоро вилоят бўлими тузилди, республика қурултойига делегатлар сайланди.

Суратда: конференция иштирокчилари.

ВАЗИФАЛАР АНИҚ, ГАП ФАОЛЛИКДА

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» қанотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзаро мулоқот руҳида ўтган анжуманда Республика Президентининг Конституциямиз 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳақида фикрлашиб олинди. Анжуман иштирокчилари хотин-қизларга қулай меҳнат шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда «Фаол аёллар» қаноти муҳим аҳамият касб этишини алоҳида уқтирдилар.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими раҳбари этиб сайланди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«КЎЧАТ ЭККАН, БОҒ ҚИЛГАН

МУРОДИГА ЕТАДИ» — ДЕЙДИ БОҒОТ ТУМАНИДАГИ «АВЕСТО» БОҒДОРЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ ШОМУРОД ОТАНАЗАРОВ

— Солиқларнинг кўп турларидан узоқ муддатга озод бўлаяпсизлар, шундайми?

— Ҳа, боғдорчилик-узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғидан 5 йилгача, янги ташкил бўладиган агрофирмалар ҳам даромад (фойда) ер, мулк, қўшимча қиймат солиғи (импортга қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно!) сингари қатор тўловлардан озод қилиняпти...

Эрназар ХУДОЙБЕРГАНОВ, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш туман комиссияси раиси:

— Қайта ташкил этиш жараёни кетаётган бир пайтда Президентимизнинг **«Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармони эълон қилинди. Ислоҳ этилаётган барча ширкат хўжаликларида ихтисослашган мева, сабзавот ва узумчилик фермер хўжаликлари вужудга келтиришга киришилди.

Туманимиздаги Машарип Қувоқов номли ширкат хўжалигини ҳам ислоҳ қилиб, 59 та фермер хўжалиги туздик. Танловлар одил ва холисона ўтди. Ғолиблар орасида боғ қиламан деган талабгорларни ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Масалан, касби ҳайдовчилик бўлсаям, Худойберган Давлатов ўз «рақиб»ларидан қўли баланд келиб, даъвогарлик қилган контурига эга бўлди. Иш стажи, малакаси, маблағи, техникаси сингари кўрсаткичларига кўра у ерга эгалик қилишга ҳар томонлама муносиб топилди.

Илгаридан мавжуд боғ ва узумзорлар жойлашган ер майдонларини кимошди савдосида ютганларга эса келгусида уни фермонда кўрсатиб ўтилганидек, бировга ҳадя қилиш, сотиш, гаровга бериш, айирбошлаш ёки суб-арендага топшириш тақиқланишини, улар фақат узоқ муддатли ижарага берилиши мумкинлигини муфассал тушунтирдик...

— Ер танлови чиндан ҳам бизда ҳаққоний ўтди, — гапга қўшилди **қайта ташкил этиш комиссияси аъзоси Юсуфбой Худойберганов.** — Комиссия бу ишга бир йўла менга ўхшаган 5 нафар оқсоқолни таклиф этиб, ҳаммамизнинг фикримизни эшитди. Даъвогарлик қилганларнинг натижаларига кўра бошқа тенг шартлар бўлгани ҳолда, ўша участкада оилавий пудрат йўли билан ишлаган ширкат аъзоларига ғолиблик ҳуқуқлари берилди... Хуллас, комиссияга ҳам балли, ютиб чиққанларга ҳам...

— Танловлар тугагани билан фаолиятимиз тугагани йўқ, — суҳбатни яна давом эттирди **раис.** — Эндиги вазифамиз — тармоқ ривожи йўлида тугатилган ширкатлар ҳудудларида заруур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ташкил этишдир. Жумладан, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш пунктлари, минибанклар, турли ҳажмда тара (идиш)лар тайёрлайдиган цехлар, савдо-сотиқ шохобчалари барпо этилиши керак...

Солиқдан бўшаган маблағлар — мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, янги боғ ва узумзорлар яратиш, мавжудларини кенгайтириш каби мақсадли йўналишларга сарфланса — тармоқнинг ривожланиб кетиши аниқ. Ва бу — табиийки, етиштирган маҳсулотлари ва олган даромадларини тасарруф этишда боғдорчиликка ихтисослашган фермерларнинг ҳуқуқлари ҳамда мустақиллигини кенгайтиради. Шунингдек, шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер ресурсларидан тадбиркорлик билан фойдаланишда уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини оширади...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугуннинг гапи

— Микрокредит ташкилотлари қандай ташкил этилади? Уларнинг фаолияти, асосий йўналишлари нималардан иборат бўлади?

— Микрокредит ташкилотлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилиши мумкин. Давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар бундай ҳуқуққа эга эмаслар. Микрокредит ташкилотларига бевосита ишлаб чиқариш, суғурта, савдо, воситачилик билан шуғулланишга рухсат этилмайди.

Микрокредит ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензияни олгандан кейингина фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Қарз олувчи ва уни берувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар қандай тартибга солинади? Томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида тўхталсангиз.

— Бу иккала субъект ўртасидаги ўзаро муносабатлар микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома билан тартибга солинади. Мазкур шартномада кредит миқдори, фоиз ставкаси, уни қайтариш жадвали, суммаси, қарз олувчининг тўлаши зарур бўлган фоизлар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Шунингдек, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани бажармаганлик ёки маълум даражада бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги, уни ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари, форс-мажор (шартнома талабларининг бажарилмаслигига олиб келадиган фавқулодда ва муқаррар ҳолларнинг вужудга келиши) ҳолатлари ҳамда назоратни амалга ошириш тартиблари келишилган бўлади.

Микрокредит берувчи ташкилотлар қарз олувчининг аризасини қондириши ёки асосланган ҳолда рад этиши мумкин. Микрокредит ташкилотлари микрокредитни таъминот асосида ёки таъминотсиз беришга ҳақли. Шунингдек, аризачидан шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур маълумотларни сўраб олади.

Қарз олувчилар микрокредитлар бериш шартлари тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумотларни олиш, ундан белгиланган мақсадларда эркин фойдаланиш ҳамда шартномада келишилган муддат ва тартибларда кечиктирмай бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга кредиторларга талаб этилган ҳужжатлар ва маълумотларни етказиб бериш, маблағларни йўналишлар бўйича сарфлашни таъминлаш ва микрокредитни ҳисобланган фоизлар билан шартнома шартларидаги муддатларда қайтаришга масъулдирлар.

— Микрокредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш орқали кичик тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди Платформасида ҳам, яқинда қабул қилинган янги Дастурида ҳам айтилган эди. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳасига яна қандай ўзгартиришлар киритилиши керак, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, мазкур қонуннинг пухта, пишиқ бўлиши аҳоли кенг қатлами талабларини қондириш, тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга катта туртки бўлади. Ҳозир депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари, Қонунчилик палатаси қўмиталари қонун лойиҳасига бир қатор таклифлар киритмоқда.

Сўзимнинг охирида шуни таъкидламоқчи эдимки, мазкур қонун лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганлигининг ўзи партиямиз Дастуридаги ғояларнинг қонунчиликда ўз аксини топаётганлигидан далолат беради. Шундай бўлса-да, қонунда бизнинг асосий электоратимизни ташкил этувчи кам таъминланган оилалар, ногиронларнинг ҳам ушбу кредитдан фойдаланишларига хизмат қиладиган нормаларни мустаҳкамлаш керак. Биз шунга ҳаракат қилаяпмиз.

Беҳзод ШУКУРОВ
суҳбатлашди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ

МИКРОКРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ МУКАММАЛЛИГИГА БОҒЛИҚ

Қонун барчага баробар

Ўтган йили Фарғона вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича қонунга зид қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан 30 та протест, 17 та тақдимнома киритилиб, 12 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилган. 20 нафар шахсга нисбатан эса интизомий жавобгарлик тўғрисида иш, 5 та жиноят иши қўзғатилган.

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

Мамлакат раҳбарияти томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада такомиллаштириш, одамларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида ўтказилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, фуқаролар орасида тадбиркорлик соҳасига қизиқиш ортиб бормоқда. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, бу соҳага ҳам адашиб ёки бузуқ ният билан кирганлар, шундай кимсаларга ҳомийлик қилаётганлар, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ўрнига унга тўғаноқ бўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Охунбобоев тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида шундай ножўя вазият юзага келган эди. Инспекция бошлиғи Н.Фофуров ва мутахассис Р.Солижоновлар ўзаро тил бириктириб, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш учун тўпланган бадалларни банкка топширмай, чўнтакка уришга одатланишди. Шу йўл билан инспекцияда икки йиллик рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган 57 та тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорларнинг тўлаган салкам бир миллион сўмлик бадаллари имижимида ғойиб бўлган.

Яхши ният билан тадбиркорлик остонасига қадам қўя бошлаган кишиларнинг ташаббусини бўғиш, уларни қонунсизлик йўлига бошлаш давлат идораларининг айрим ходимлари тарафидан амалга оширилишига мутлақо чидаб бўлмайди. Масалан, Фарғона шаҳар ДСИ инспектори Э.Темиров шаҳардаги «Шакар» хусусий фирмаси раҳбари М.Юсуповни алдаб, таъмагирлик йўли билан 400 АҚШ долларини пора тариқасида олганида ушланди.

Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва шу йилнинг 15 июнидаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори жуда муҳим бўлди. Эндиликда тадбиркорлар ортиқча ҳужжатлар тўлдириш, идораларо сансоларлик, кетма-кет текширишлардан холос этилди. Холбуки, идорадаги бир ходимнинг масъулиятсизлиги боис қанча-қанча хайрли ишлар орқага сурилиши мумкин...

Бувайда туманидаги «Уста Рафиқ» фермер хўжалиги раҳбари хўжалик учун қўшимча ер майдони сўраб ҳокимликка ариза ёзади. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи А.Парпиев аризани қонунда белгиланган муддатдан 12 кун ўтиб ҳал қилади, бу ҳам етмагандай аризачига ёзма жавоб қайтармайди. Тумандаги бир гуруҳ фермерларнинг аризалари А.Парпиев томонидан белгиланган муддатдан салкам бир ой ўтказиб ҳал қилинган. 2005 йил 12 февраль куни рўйхатга олинган «Жабар ота» фермер хўжалиги раҳбарининг қўшимча ер сўраб ёзган аризасини А.Парпиев орадан... 6 ой вақт ўтишига қарамай ҳал қилмаган... Бу уқувсизликми ёки?..

Ҳокимият вакиллари ёки мансабдор шахсларнинг шу тариқа ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишлари, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмасликлари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади. Ахир, тадбиркор аввало юртимизни бойитиш, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, бозорларда мўл-кўлчилик, арзон-гарчиликни таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш учун курашаётган, елиб-югуриб хизмат қилаётган одам эмасми? Вилоятда мана шундай олий мақсад йўлида ҳаракат қилаётган юзлаб тадбиркорлар номларини айтиш мумкин. Улар янги ишлаб чиқариш корхоналари очишяпти. Одамларни иш билан таъминлашяпти. Бу борада фермерлик ҳаракатининг ўрни ва роли катта.

Маълумки, Фарғона вилоятида пахтачилик соҳасида оқсаш мавжуд, вилоят бир неча йилдан буён давлатга пахта сотиш режасини бажармай келаётган эди. Кейинги йилларда пахтачилик бўйича ширкат хўжаликлари ўрнида кўплаб фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ижобий бўрилиш ясашга хизмат қилди. Масалан, Ёзёвон туманида ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари барпо этилди. 2005 йил пахта ҳосили етиштиришда ана шу ўзгаришнинг ижобий аҳамияти яққол кўзга ташланди. Туман вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажарди. Етиштирилган пахтанинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Тумандаги «Хумо» фермер хўжалигининг 40 гектар пахта майдони бор. Фермер хўжалиги аъзолари чўл шароитида ҳар гектар ердан 29 центнер ўрнига 37,5 центнердан «оқ олтин» етиштиришди. Хўжалик пахтачиликнинг ўзидан 41 миллион 550 минг сўм даромад олди. Тумандаги «Фар Зулфиқор» фермер хўжалиги 24 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил кўтарди. Олинган даромад 27 миллион сўмни ташкил этди. 100 гектар ерга пахта эккан «Толқудуқ-97» фермер хўжалиги 31,5 центнердан ҳосил олиб, 100 миллион сўм даромад олди. Охунбобоев туманидаги «Мадалиев Лазизбек», Учқўприк туманидаги «Ҳалимбой», «Эзгу», Олтиариқ туманидаги «Сожида Жўраева», Қува туманидаги «Роҳатой», Бувайда туманидаги «Етти сайёра», Бешариқ туманидаги «Анвар раис» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ҳам йил якунида 35-40 центнердан пахта ҳосили олдилар.

Лекин айни пайтда фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини поймол этиш, уларга нисбатан таъмагирлик, товламачилик ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, илғор фермер хўжаликларидан бири сифатида тилга олинган Ёзёвон туманидаги «Толқудуқ-97» фермер хўжалиги Ёзёвон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлинмасига шартнома асосида 2 миллион 641 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берган. Бироқ бўлинма шартнома мажбуриятларини бажармай, тўловни амалга оширмаган. Прокуратура аралашувидан сўнггина масала ижобий ҳал этилди.

Афсуски фермер хўжаликларини қонуний текшириш, нохолис хулосалар чиқариш, уларни нотўғри жазолаш ҳоллари ҳам учраб турибди. Олтиариқ туман давлат солиқ инспекцияси «Сотволдиев Зафар» деҳқон хўжалигида ноқонуний равишда текшириш ўтказган. Тафтиш билан чекланмасдан деҳқон хўжалигига салкам 3 миллион сўм миқдорида хўжалик бошлиғи ва бош ҳисобчига ҳам ноқонуний жарималар солинган. Кейинчалик прокуратура аралашувидан сўнг ҳақиқат қарор топди. Туман солиқ инспекциясининг қонунга зид қарорлари бекор қилинди. Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўз лавозимидан озод этилди.

Ташаббускор, илмли, серҳаракат тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари ҳаётимиз янада гўзал, беками-кўст бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш тараққиёт йўлига тўсиқдир.

Орифжон АҲМАДЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Бухоро вилоятидаги Жондор туманида тиббиёт масканлари сони яна биттага кўпайди. Туман ҳокимлиги ва саховатпеша ҳомийлар кўмаги билан Обод қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Ушбу тиббиёт маскани шу ерлик 3,5 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

— Мазкур қурилишга 140 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди туман ҳокими Холмурод Жумабоев. — Шундан 117 миллион сўми маҳаллий бюджет ва жондорлик саховатпешалар ҳисобига тўғри келади. Биз «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Худди шундай кўркам тиббиёт маскани Қоракўл туманидаги Солур қишлоғида ҳам қад ростлади. Бундан ташқари, Когон туманидаги Чуқуркўл, Вобкент туманидаги Эшонлар, Бухоро туманидаги Туркон қишлоқ аҳолиси ҳам ўз шифо масканларига эга бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

РАҚАМЛИ АЛОҚА:
МЎЛЖАЛ АНИҚ БЎЛСА, МАНЗИЛ ЯҚИН

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕЙШНЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ «ЎЗИ — ТЕРМИЗ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ ЭРИШАЁТГАН МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ ҲАҚИДА

Уйда туриб телефон орқали кўп ишларни амалга ошириш мумкин: қариндош-уруғлар, таниш-билишлардан хол-аҳвол сўраш, бирор бир ҳаётий заруратни ҳал этишда факсимил аппарат орқали матн ва сурат алмашиш, компьютер алоқаси ўрнатиш ва ҳоказо. Шунинг учун бўлса керак, бирор сабаб билан телефон ишламай қолса, аввалига жиғибийрон бўламиз, кейин алоқачиларга шикоят қиламиз.

Яқин йилларга қадар телефон алоқаси бўйича одамлар хафсаласи пир бўлиб, шикоятлар кўплаб ёғилиб турарди. Энди эса илгари ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган алоқа турлари — радиоалоқа, уяли алоқа каби сўзлашув воситалари ривожланиб кетди. Бугун республикамизнинг исталган чекка туманларидан туриб, Европа, Осиё, ҳатто Африка ва Америка қитъаларидаги таниш-билишларингиз билан ҳам бемалол гаплашишингиз мумкин.

Ватанимизнинг жанубий сарҳади — Сурхондарё вилоятида ҳам алоқанинг ана шу турлари тез суръатлар билан ривож топмоқда. Вилоят бўйича алоқа хизматига дастлаб — ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Шерободда асос солинганди. «Ўшанда вилоятнинг маъмурий маркази ҳисобланган Шерободга Бухородан бир каналли телефон линияси тортилди...» — эслашади қариялар. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Кейин бундай линиялар воҳанинг бошқа туманлари ва сераҳоли манзилларида ҳам пайдо бўлди. Истиқлолга эришилгандан сўнг «Ўзбектелеком Интернейшнл» қўшма корхонасининг «ЎзИ — Термиз» филиали ишга тушдию, замонавий алоқа тизими вужудга келди.

Филиал бугунги кунда термизликларга ишончли телекоммуникация ва ахборот хизматлари кўрсатаётган корхоналардан бири.

— Ҳукумат биз алоқачилар олдига тизимни компьютерлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини тезроқ жорий этиш вазифаларини қўйган, — дейди **филиал директори Нормурод Худоёров.** — Уларни беками-кўст бажариш учун қатор тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Тармоқларни реконструкция қилиш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини барқарорлаштириш ҳамда турларини кўпайтириш каби йўналишлардаги ишлар давом этмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётган ҳозирги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Бу эса қўшимча ишчи ўринлари яратиш ва соф рақобат муҳитини вужудга келтириш имконини бермоқда. Бу филиалимиз қошида «Интернет кафе» очдик. Яқин келажакда улар сони янада кўпаяди...

Яқинда филиал раҳбари республикадаги бир гуруҳ ҳамкасблари билан Индонезия, Малайзия давлатларида бўлиб, улардаги ахборот ва телекоммуникация тизими фаолияти билан танишди. Шунингдек, жамоа вакиллари ҳам Япония, Хитой, Сингапур, Индонезия ва Малайзия сингари мамлакатларда ўқиб, малака орттириб келишди. Бундай саъй-ҳаракатлардан сўнг амалга оширилган янгиликлар самараси ўлароқ, корхонада белгиланган бизнес режалар кўнгилдагидек бажарилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 9 ойи ичида 917 млн. 850 минг сўм ўрнига 989 млн. 283 минг сўм умумий даромад олинди. Хусусан, телеграф алоқаси бўйича юқори кўрсаткичга эришилди. Шаҳарлараро телефон алоқаси режалари ҳам ортиғи билан уддаланди. Шаҳар телефон алоқаси линияси бўйича аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган даромад 365 млн. 813 минг сўм (режага нисбатан 104,7 фоиз)ни ташкил этди.

Аввалари дебитор қарзларни ундириш анча қийин кечарди. Корхона маркетинг хизмати ходимлари почта алоқа хизмати билан ҳамкорликда бу борада амалий ишлар олиб бориб, 2005 йилда уларни ундириш бўйича сезиларли ютуқларга эришдилар. Қарзларни вақтида тўламаётган ташкилотлар ҳамда аҳоли қонунларда белгиланганидек, аввалига огоҳлантирилиб, кейин кор қилмаса солиштирма далолатномалар тузилмоқда ва ишлар хўжалик ҳамда фуқаролик судларига оширилмоқда. Шу йўл билан ўтган йили 6 млн. 250 минг сўм маблағ йиғиб олинди.

Ҳозир корхона жамоаси 18141 абонентга хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар аҳолисидан телефон ўрнатиб бериш юзасидан тушган аризаларнинг асосий қисми қаноатлантирилди. Жумладан, 2004 йилда телефон ўрнатиш учун жами 1454 та ариза тушган бўлса, унинг 1083 таси ижобий ҳал этилди. 2005 йилда эса 1671 та мурожаат қабул қилинган бўлиб, бунинг ҳам 1436 таси ўз ижросини топди.

Ўтган давр ичида халқаро сўзлашувлар 70,5 тага, шаҳарлараро сўзлашувлар 1168,4, ички сўзлашувлар — 1559,3 минг тага етди. Телеграмма алмашинуви бўйича режа — 137,6 фоиз, халқаро телеграммалар узатиш — 114,3, шаҳарлараро телеграммалар узатиш эса — 146,7 фоиз бажарилди.

Корхонанинг бундай ютуқларга эришишидаги омиллардан бири — Термизнинг Гарм мавзесида 2-АТСга янги дизель генератори ўрнатилганлиги бўлди. Линия хўжалигини ривожлантириш учун шаҳардаги 4-АТСдан 5-кичик даҳага ТПП-202 кабели тортилиб, 200 рақамли телефон ўрнатиш имкони вужудга келтирилди. Бу ишни бажаришга 9,5 млн. сўм сарфлаш кўзда тутилган бўлса-да, тежамкорлик билан иш юритилгани боис, бор-йўғи 8 млн. 126 минг сўм харж қилинди. 3-АТСда аккумуляторлар янгиланиб, АТСлар, тўла тиббий кўрикдан ўтказилди. Касб байрами муносабати билан ходимларга 2 млн. 729 минг сўм миқдорида мукофот пули тарқатилди. Нафақага чиқиш ва юбилейлар санасини нишонлаш учун 9 нафар кишига моддий ёрдам берилди. Техник ва монтёр ходимлардан 47 нафари суғурталанди. «Сиҳат-саломатлик йили» дастурига кўра, алоқачилар саломатликларини сақлаш ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Шунингдек, корхонада кадрлар малакасини ошириб бориш масаласи доимий диққат марказида турибди. Бу ишлар учун 1 млн. 727 минг сўм маблағ ажратилди ва ҳозиргача 11 нафар мутахассис бу имкониятдан фойдаланишди.

Буларгина эмас, «ЎзИ — Термиз» алоқачилари келгусида замонавий рақамли станциялар хизматига ўтиш ва шаҳардаги АТСларни ўзаро боғлаш учун тармоқда оптик толали кабель ётқизишни режалаштирганлар. Жорий йилда 3-4-АТСларни рақамли станцияларга алмаштириш, қўшимча хизмат турларини такомиллаштириш ва кам ҳаражат қилиб, кўпроқ даромад келтирувчи технологияларни жорий этиш ҳамда мижозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишни ният қилишган. Бу ишларни бажариш учун 136 миллион сўмлик ишлар бажарилиши мўлжалланган.

Эл-юрт орасида «Мўлжалинг аниқ бўлса, манзилинг ҳам яқин» — деган ибора бор. Термизлик алоқачиларнинг мўлжаллари аниқ, демакки, кўзлаган манзиллари — белгиланган марраларига етишлари ҳам турган гап...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✓ ТУРКИЯ

«Парранда гриппи»дан азият чекаётган Туркияда ҳайвонларда яна бир хавфли касаллик — «оқсил» касаллиги мавжуд бўлган ҳолатлар аниқланди.

Бу касаллик ҳақидаги биринчи маълумотлар Туркиянинг Европа қисмидаги Эдрин музофотидан тарқала бошлади. Музофотнинг ўн бештадан ўнта фермасида карантин эълон қилинди.

«Оқсил» касаллиги, шунингдек, мамлакат шимоли-ғарбидаги Дюзже музофотида ҳам аниқланди. Музофот ҳокими буйруғига кўра, эпидемиянинг олдини олиш мақсадида бу ердаги мол бозори ёпиб қўйилди.

✓ ВЕНГРИЯ

Венгрияда Словакияга тегишли бўлган «Ан-24» ҳарбий-нок самолётининг ҳалокатга учраши натижасида 44 одам ҳаётдан кўз юмди.

Венгрия полицияси йўловчиларнинг бири тирик қолгани ҳақида маълум қилди.

Самолёт Приштинадан (Косово) Словакиянинг Кошице шаҳрига қараб парвоз қилаётган эди. Бортда 28 нафар тинчликпарвар кучлар хизматчилари, уларга методик ёрдам берувчи шахс ва экипаж аъзолари бор эди.

Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

✓ РОССИЯ

Москвада «Катта саккизлик» мамлакатларининг махсус вакиллари учрашувлари бошланди. Бу Россия раислиги давридаги биринчи тадбирдир.

Аъзо мамлакатлар раҳбарлари ёрдамчилари Россия ҳукуматининг Қабуллар уйида учрашди. XIX асрда қурилган бу уй махсус «саккизлик» саммитига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун қайта таъмирланди.

Россия президенти Владимир Путин саккизликдаги раислик даврида энергетика хавфсизлиги, демографик вазият, таълим, хавфли инфекциялар ва қашшоқлик билан курашишни дастурул-амал қилиб олмоқчилигини маълум қилди.

Аъзо мамлакат раҳбарларининг саммити 15-17 июль кунлари Санкт-Петербург яқинида бўлиб ўтади.

2006 йилнинг 1 январидан бошлаб Россия «Катта саккизлик»ка раислик қилмоқда. Раислик қилиш муддати 1 йил.

✓ УКРАИНА

Украина парламенти — Олий Рада мамлакат ёнилғи ва энергетика вазири Иван Плачков ва адлия вазири Сергей Головатийни истеъфога чиқарди. Бундан ташқари Олий Рада томонидан «Нафтогаз Украины» миллий акциядорлик компанияси раҳбари Алексей Ивченкога ишончсизлик билдирилди.

«Украина аҳолисини табиий газ билан таъминлашда малакасизлик қилган ижро этувчи органлар ҳақида»ги қарор учун 358 депутатдан 246 нафари овоз берди.

Қабул қилинган қарорда Ҳисоб палатасига «Нафтогаз Украины» МАК 2004-2005 йиллардаги молиявий фаолиятини текшириш ва «РосУкрЭнерго» МАК билан алоқасини ўрганиш топширилди.

Шунингдек, Украина парламенти Бош прокуратурага Россия билан газ борасидаги келишувларни тайёрлашда иштирок этган украиналик мансабдор шахслар ҳаракатларини текшириб, хулоса беришни тавсия этди.

Олий Рада Вазирлар Маҳкамасига «Нафтогаз»нинг янги кузатув кенгашини тузишни, компания фаолияти устидан назоратни кучайтиришни ва Россия, Туркманистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон каби мамлакатлар билан имзоланган ҳукуматлараро шартномалар асосида газ етказиб беришни таъминлаш учун алоқаларни йўлга қўйишни таклиф қилди.

Украина президенти Виктор Ющенко Конституциявий судга мурожаат қилиб, Олий Рада томонидан 10 январь куни Юрий Еханурев бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфога чиқарилиши қанчалик Конституцияга тўғри келишини кўриб чиқишни сўради.

XORIJDA

✓ АҚШ



Американинг NASA фазовий тадқиқотлар агентлиги сайёраларо «Янги уфқлар» деб ном олган аппаратни учирди.

Аппаратни учириш анча аввал режалаштирилган эди. Бироқ об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли учириш олти марта қолдирилди.

Фазовий кеманинг 11 январдан 14 февралгача бўлган муддат орасида Плутонга учирилиши «Янги уфқлар»га Юпитердан 2007 йилда учиб ўтиш имкониятини бериб, Плутон томон ҳаракатланишга туртки бўлади. Бу эса саёҳатга кетадиган вақтни 5 йилга қисқартиради. 453 килолик аппарат Плутонга 2015 йилгача етиб бориши режалаштирилган.

Интер-спорт

ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

2008 йил Хитой пойтахти Пекинда ўтказиладиган Олимпия ўйинларини юксак савияда ташкил этиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Мамлакатни ривожлантириш ўнинчи беш йиллигида Пекинда хитой миллати асрлар мобайнида орзу қилган буюк ўзгаришлар амалга оширилади, — деди шаҳар мэри Ван Цишань. — Катта бунёдкорлик ишлари бўлажак олимпия ўйинларига тайёргарликда муҳим омил бўлади. Биз олимпиаданинг муваффақиятли ўтиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жиззах вилоятида 2006 йилда қуриладиган касб-ҳунар коллежлари (калити билан):

Т/р	Объект номи
1	*Бахмал тумани, Гулбулоқ хўжалигидаги 540 ўринли ижтимоий соҳа (педагогика) йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши*
2	*Ғаллаорол тумани, Д.Йўлдошев хўжалигидаги 720 ўринли ижтимоий соҳа (ҳуқуқшунослик) йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши*
3	*Жиззах тумани, Гандумтош қишлоғидаги 720 ўринли компьютер технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши*
4	*Мирзачўл тумани, Пахтазор АХМдаги 360 ўринли агробизнес йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши*

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2006 йил декабрь ойи.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш инвестиция дастури асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Маънавият

ДУНЁ БЕВАФО ЭМАС

ЁН ДАФТАРИМДАГИ БИТИКЛАР

Одамзотнинг феъли қизиқ, англаб бўлмас даражада мураккаб, ҳатто баъзан ғайритабиий ҳам. Бошига бир мушкул тушса, бу ёруғ дунёни айблайди, бевафога, бебақога чиқариб қўяди. Шоирлар ҳам, алломалар ҳам, косиб, дурадгор, амалдор ҳам, ғам-андуҳли дамларда, ё бўлмаса бирор нарсада омади чопмаса, дунёга ёпишади. Гўё барчасига «бевафо» дунё айбдордек. Нега, нечун шундай? Ахир, Аллоҳ уни жуда гўзал ва кўркам этиб яратган бўлса! Барча сайёралар ичра Тангрининг назари тушгани курраи замин, биз яшаб турган она Ер-ку! У инсониятнинг бешиги-ку. Чексиз уммонлар, осмонўпар тоғлар, мевазор боғлар, бепоён яйловлар, ўрмонлар унга тароват, кўрк бахш этади. Тўрт фасл — баҳор, ёз, куз, қиш барчаси мароми билан кетма-кет меҳмон бўлади она сайёрамизга! Биз севган, ардоқлаган азиз ва гўзал дунё айбсиз айбдорга, туҳмат ва надоматларга учраган покиза Инсонга ўхшаб қолмаяптими?

Қуръони каримнинг «Анъом сураси»да «бу дунёни обод, осойишта қилиш ҳам, хароб-вайронага айлантириш ҳам инсоннинг ўз қўлидадир», дейилган. Ҳақиқатан ҳам бундай ўйлаб қараганда, ер юзини заҳар-заққумга тўлдираётган, об-ҳавони, сокин табиатни булғатаётганлар, қонли урушлар туфайли дунёни бетинч, безовта қилаётганлар нечун дунёдан норози бўлурларки, ўзлари уни бебақога айлантираётган бўлсалар!

●●●

Бу дунё ҳаётини икки қарама-қарши кучлар, жуфтликлар бошқариб, тартибга солиб туради. Кеча ва кундуз, адолат ва ноҳақлик, эзгулик ва ёмонлик, меҳр ва нафрат... Бу жуфтликларни яна давом эттириш мумкин, шу жуфтликлар бўлмаса, дунё ҳам бўлмасди, Инсон деган буюк зот ҳам.

●●●

Қуёш нима, унинг нимадан яралганини ким кўрибди. Шундай буюк, тенгсиз оташ-олов осмону замин узра абадул-абад нур сочиб турса, ахир бу мўъжиза-ку! Ҳар қандай олов-оташ бора-бора сўнади, ўчади. Қуёш-чи, ҳеч қачон сўнмайди. Нега?

Сокин тунларда тепамизда ярақлаб турган тўлин Ой ҳам, кечалари осмон гумбази узра сочилган беҳисоб юлдузлар дунёси ҳам Қуёш туфайли ундан нур, қувват олиб, кенг осмонни безайдилар. Агар Қуёш бўлмаса, улар ҳам самодаги нурсиз, жилвасиз тошга айланиб қолурлар. Ер ҳам, осмондаги Ой, юлдузлар ҳам Қуёш туфайли гўзалдир. Сув, ҳаво, ёруғлик ва жонли ҳаёт — барчаси Қуёш туфайлидир. Келинг, агар Қуёш бир дақиқа йўқ бўлиб қолсин, унда бу чексиз, бошиохири йўқ олам, Курраи замин ҳам бир зумда йўқ бўлиб кетган, жонли ҳаёт зулмат қаърига сингиб кетган бўлмасмиди? Бошимиз узра нур сочаётган Қуёш нафақат ёруғлик манбаи, балки у ер юзига ҳаёт бағишлаб турган илоҳий куч.

Яна бир Қуёш бор, у кўзга кўринмайди. У инсонлар қалбидаги Қуёш, бу Қуёш ер юзидаги инсонларни бир-бири билан боғлаб туради.

●●●

Бу ёруғ дунёда ҳеч бир нарса абадий эмас, келамиз, кетамиз, қайдан келиб қайга кетамиз, бунинг ечимини ҳали ҳеч ким тополган эмас. Фақат тепамизда чарақлаб турган унсиз юлдузлар, тўлин Ойгина абадийдир. Аммо улар тақдир тақозосидан хабар беррулар, сўзлайдилар. Ота-боболаримиз самодаги янги туғилган ҳилолнинг чиқишини кўриб, шу ой эл-юрт учун тинчлик ё ғам-андуҳли бўлишини олдиндан билганлар.

Онам раҳматли эндигина туғилган янги ўроқ ойга қараб, «чалқанча ётибди, ўзига тинч, элга нотинч», дер эдилар. Агар тик туғилган бўлса «ўзига нотинч элга тинч», дер эдилар.

●●●

Барча халқлар, оқми, қорами ё сариқми, мусулмонми, христианми, барчаси Аллоҳнинг бандасидирлар, оламга буюк даҳолар етказиб берган ақл-заковат соҳибларидирлар. Уларни оқ, қора ё кофирсан, мусулмонсан, деб камситиш, ҳақорат қилиш мутлақо ножоиздир. Шу йўсинда мусулмон дунёсида ҳам сен суннийсан ёки шиалардан, деб мазҳаб туфайли бир-бирини қирғин-барот қилиш ҳам мусулмончиликка зиддир. Ёки бир масчитда ибодат этиб, кейин кўчага чиқиб, бир-бирлари ҳақига хиёнат қилиш, бир-бирига ёв бўлиш Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам ёқмайди. Бу динимиз обрўсини тўкади, ғанимларга кўл келади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 622 йил 8 мартда Маккага ҳижрат қилганларида Арофат водийсида 124 минг ҳожи олдида ислом зухурининг энг буюк хутбасини ўқиганлар: Эй мўминлар, Раббингиз бирдир, отангиз-онангиз бирдир. Барчангиз одамидинсиз. Одам эса тупроқдандир. Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик — фақат фазилат ва тақво биландур... Ҳақсизлик қилманг. Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамларнинг ҳақларини еманг!»

Пайғамбаримизнинг мазкур сўзлари ҳозирги кунда мусулмон мазҳаблари ўртасида бўлаётган ўзаро жанжаллар, хунрезликларга энг одилона жавобдур.

Яна шуни унутмайликки, ҳадеб Аллоҳ, Аллоҳ деган одамнинг юрагида шайтон ўтирган бўлади. Аллоҳни тилда эмас, ҳар доим дилда, юракнинг тўрида сақламоқ керак.

●●●

Одамлар борки, касби кори олим, адиб, арбоб, лекин улар ҳақиқий Инсон бўлсаларгина ўзларининг улуғ касбларига лойиқ бўлишлари мумкин. Баъзан катта унвонларга сазовор бўлган, номдор алломалар билан учрашиб, сухбатлашиб қоламан. Кейин ҳайратдан тилим лол, катта арбоб бўлса ҳам, одам эмас экан-ку, деб. Ўзини тутиши, хатти-ҳаракати, бировларнинг ғийбатини қилиши, ҳаёт тарзи, фикр доираси торлигини кўриб, ёқа ушлайсан киши. Олим, аллома бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин экан, деган ҳикмат нақадар ҳаётийлигига такрор-такрор иймон келтираман.

(Давоми бор.)

Мақсуд ҚОРИЕВ

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

Ургут туманида ўтган йили фаолият бошлаган тиббиёт коллежида ҳамширалик, акушерлик, стомотология ва даволаш сингари 4 йўналишда 450 нафар бўлажак тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда.

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2006 йилнинг 21,24,28 февраль ва 3,7,10,14,17,24,28,31 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 8-уйда жойлашган қандолатчилик цех бинолари (цех биноси, омборхона ва шийпон 15 611 823 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 % миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар кабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №00815

«МАРНИТ» Ўзбекистон — Словакия қўшма корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Фанимиз фидойилари

НАВОИЙШУНОСЛИК БИЛИМДОНИ

Барчага аёнки, илм-фан ва маданиятнинг равнақи кўп жиҳатдан шу соҳага мутасадди кишиларнинг меҳнати, изланиш ва ташкилотчилигига боғлиқ. Академик, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Азиз Қаюмов ҳам фанда адабиётшунослик илмининг жонкуяр ташкилотчиси ва толмас тадқиқотчиси бўлиб ном қозонган заҳматкаш инсонлардан биридир. У ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт билимдони ва йирик монографик тадқиқотлар яратиш анъанасини камолотга кўтарган олим сифатида танилди. Олим ўзининг ўтган аср 50-йиллари бошларида юзага келган ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили Махмур ижодига оид қилган дастлабки тадқиқотидаёқ бу анъанани бошлаб берган эди. Кейинчалик шу хусусият унинг катта ва кенг кўламдаги изланишлари мағзига сингиб борди.

Махмур ижоди бўйича ёқлаган (1954) номзодлик диссертациясидан сўнг кўп ўтмай олимнинг «Қўқон адабий муҳити» (1961) номли докторлик иши юзага келди. Азиз Қаюмов ўзининг ана шу монографик тадқиқотида XVIII-XIX аср Қўқондаги сиёсий-ижтимоий ва адабий-маданий ҳаётга оид энг муҳим тарихий жараёнларни кўрсатиш орқали адабиётдаги демократик йўналиш илдизларини умумлаштириб берди. Фақат бугина эмас, у адабиётшунослигимизда биринчилардан бўлиб Ғозий, Ҳозиқ, Маъдан, Махмур, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Мутриб, Андалиб, Мирзаолим, Мушриф, Акмал, Низомий Хўқандийлар каби ўнлаб истеъдодлар ҳаёти ва ижодига оид янги қарашларни ўртага ташлади. Аста-секин улар яратган ижод намуналарининг катта қисмини биринчи бор нашр эттирди. Сўнгра олим Бобур ва Фурқат ижодини ҳам алоҳида монографик тарзда ўрганиб чиқиб, китоб ҳолида чоп эттирди.

Азиз Қаюмов ижодий фаолиятининг, таъбир жоиз бўлса, иккинчи босқичида бутун эътиборини қадимий ёзма ёдгорликларни ўрганишга бағишлаганлиги диққатни тортади. Бунда муаллиф Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», қадимги урхун-енисей ёзувларини тадқиқ этиш орқали туркий халқлар маданиятининг қадимий бойлиги, ўзига хослигини исботлаб берди. Ана шу кузатувлар яхлит ҳолда муаллифнинг «Қадимият обидалари» номли асарида ўз аксини топди. Азиз Қаюмов ўзбек адабиёти тарихини яхлит ҳолда ўрганишда фақат адабий манбалар ва ижодкорлар меросига таяниб қолмай, балки «Авесто»дек қадимий манбаларни ўрганиб чиқишга киришгани эътиборга молик. Ҳатто, Абу Райҳон Беруний-нинг «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Сайдона» каби ва Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» номли машҳур асарларини синчиклаб ўрганиб чиқди. Унинг фаол таржимони (арабчадан) сифатида ҳам фаоллик кўрсатди. Пировардида, унинг «Беруний ва адабий ижод», «Беруний ва адабиёт» каби китоблари юзага келди. Адабиётшунос олимнинг «Ажойиб кишилар» туркумидаги «Алишер Навоий» китобида ҳам факт ва адабий ҳодисаларни ана шундай илмий-бадиий ва қизиқарли шаклда ўқувчига етказиш мақсади етакчилик қилади.

Шундай қилиб, олим ижодий фаолиятининг учинчи асосий босқичи юзага келади. Бунда у бутун билими, меҳнати ва эътиборини буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳаёти ва адабий меросини ўрганишга бағишлади. Муаллифнинг бу борадаги кузатувлари асосан уч йўналишда давом этади. Яъни, илмий-танқидий матнларни тайёрлаш ва кашф этиш, бевосита шоир ижодини чуқур илмий тадқиқ этиш, ниҳоят, Навоий асарларини илмий-оммабоп тарзда баён этувчи кузатув ва хулосаларни ўз ичига олади. Асосийси, унинг иштироки билан нашр этилган Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги 20 жилдлик, рус тилидаги ўн жилдлик асарларининг нашр этилиши ўзбек маданияти тарихида муҳим аҳамият касб этади.

Олимнинг ўз фаолияти давомида энг катта хизматларидан яна бири — Алишер Навоий «Хамса»сини бешта китоб ҳолида, илмий-оммабоп талқинини яратишидир. Жумладан, «Ҳайрат ул-аброр талқини», «Фарҳод ва Ширин» сирлари, «Садди Искандарий» ҳамда «Лайли ва Мажнун», «Саббаи сайёр» достонлари таҳлилига бағишланган «Ишқ водийси чечаклари» монографик асарлари шундан далолат беради.

Бу фидойи олим ҳақида гап кетганда, унинг республикамиздаги текстологик тадқиқотларнинг равнақидаги ролини тилга олмай бўлмайди. Хусусан, Алишер Навоий меросини тўплаш ва уларни илмий тавсифини яратишдаги фаолияти таҳсинга сазовордир. Унинг Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган форс ва эски ўзбек тилидаги мингга яқин қўлёзмаларнинг илмий тавсифини яратганлиги ҳам шундан далолат беради. Жумладан, унинг Абдураҳмон Жомий асарлари қўлёзмаси ҳақидаги шундай тавсифи кўпчилик мутахассислар диққат-эътиборига тушди.

Академик Азиз Қаюмов нафақат фанимиз фидойиси, балки қалби дарё ва талабчан мураббий ҳамдир. Унинг илмий раҳбарлигида ўнлаб фан номзоди, фан докторлари етишиб чиқди. Улар нафақат республикамизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам фаол ижод билан машғулдир. У Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, кўплаб илмий унвонлар эгаси сифатида бугун ҳам адабиётшунослигимиз ривожига, унинг равнақига хизмат қилиб келмоқда.

Собир МИРВАЛИЕВ, профессор

ШЕЪР ВА КУРАШ

Абдулла ОРИПОВга

Шеър аро полвон бўлиш осон эмас,
Шеър фақат гул атри ё райҳон эмас.

Шеър — серташвиш умрдир, серазоб,
Шеър — заминдир ҳам, фақат осмон эмас.

Мир Алишернинг буюк беш панжаси
Бор ҳақиқатдир, фақат достон эмас.

Шоиру шеър — якка, сўз майдонида
Шер билан шер олишур, инсон эмас.

Чин кураш майдонидир асли ҳаёт,
Бўлмаса полвонлари — майдон эмас.

Бунда ҳам ранжу алам чекмоқ керак,
Доимо у чеҳраси хандон эмас.

Ору номусдан яралган халқмиз,
Ўлдиролур бизни ор, ёлғон эмас.

Дил муроди, эл муроди ўлмагай,
Паҳлавон Маҳмудлари ўлғон эмас.

Барчинойлар бирлан Алпомишлари
Эскидан қолган қизу ўғлон эмас.

Шаъну шавкат рамзидир Темур бобо,
Шунчаки соҳибқирон хоқон эмас.

Шул сабабдан мард Темурзодалар
Паҳлавондир аввало, султон эмас.

Жисмимизда кеча-кундуз қайнаган
Ота-боболар ғурури, қон эмас.

Енга олмаскан рақибин кимки, ул
Ўзбекистонлик эмас, полвон эмас.

Сирожиддин САЙЙИД

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 149-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияснинг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
52
8
36
56
27
74
17
77
61
Сони: 1
Телевизор
Сумма:
180000
Чипта
рақами
40006091.2
2 ТУР
58
24
46
34
71
72
75
43
84
55
3
30
23
47
68
Сони: 1
Сумма:
500000
3 ТУР
50
19
26
79
83
12
28
14
21
80
10
35
33
2
59
44
7
9
54
32
60
42
39
Сони: 1
Сумма:
500000
Чипта
рақами
10029498.2
4 ТУР
49
67
11
4
90
31
70
53
13
20
22
18
15
88
82
29
Сони: 1
Nexia
автомобили
Сумма:
10500000
Чипта
рақами
40023796.2
5 ТУР
62
Сони: 1
Телевизор
Сумма:
90016219.2
180000
Чипта
рақами
90031717.2
6 Тур
16
38
Сони: 1
Телевизор
Сумма:
180000
Чипта
рақами
20035497.3
80040913.3
10 ТУР
69
Сони: 4
Телевизор
Сумма:
180000
Чипта
рақами
40000243.1
7 ТУР
64
41
Сони: 1
Телевизор
Сумма:
180000
Чипта
рақами
10011891.3
30020183.1
30030325.1
60012856.1
11 ТУР
57
Сони: 4
Телевизор
Сумма: 180000
Чипталар
рақами
50030705.2
70011570.1
70034981.1
80034892.1
9 ТУР
65
Сони: 2
Телевизор
Сумма:
180000
Чипталар
рақами
20022444.1
30018977.2
40005658.1
50011539.3
80025494.3
90015944.3
13 ТУР
81
Сони: 22
Сумма: 2500
14 Тур
48
Сони: 47
Сумма: 2000
15 ТУР
63
Сони: 55
Сумма: 1500
16 ТУР
51
Сони: 72
Сумма: 1000
17 Тур
76
Сони: 121
Сумма: 500
12 ТУР
73
Сони: 6
Телевизор
Сумма: 180000
Чипталар
рақами
20022444.1
30018977.2
40005658.1
50011539.3
80025494.3
90015944.3
13 ТУР
81
Сони: 22
Сумма: 2500
14 Тур
48
Сони: 47
Сумма: 2000
15 ТУР
63
Сони: 55
Сумма: 1500
16 ТУР
51
Сони: 72
Сумма: 1000
17 Тур
76
Сони: 121
Сумма: 500
18 ТУР
37
Сони: 134
Сумма: 500
19 ТУР
40
Сони: 264
Сумма: 500
20 Тур
45
Сони: 371
Сумма: 500
21 ТУР
25
Сони: 510
Сумма: 500
22 ТУР
87
Сони: 1356
Сумма: 500
Қўшимча тур
Сони: 22
Сумма: 1500
Халтадан чиқмаган шарлар:
1
6
66
85
86
89

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2006 йил 26 январдаги 150- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:

1 -турда биттадан Телевизор
2 -турда Музлатгич
3 -турда биттадан NEXIA автомобили
4 -турда биттадан NEXIA автомобили

Қолган турларда пул-буюм ютуқлари қўйилган

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 352
14267 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 22.00
Topshirish vaqti — 22.15
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda